



Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ»
Tashkent Islamic University
Belarusian State University
Secondary school № 171, Moscow

ACTUAL PROBLEMS OF THE THEORY AND PRACTICE OF PHILOLOGICAL RESEARCHES

Materials of the VII international scientific conference
on March 25–26, 2017

Prague
2017

VIII. LITERATURE TODAY: SUSTAINABILITY OF TRADITIONS AND MODERN TRENDS

Царева Н. А.

Особенности языкового воплощения пророчества
в творчестве Б. Л. Пастернака 123

Ахмедова Ш., Зойирова Г.

Эсседа қахрамон портрети 127

План международных конференций, проводимых вузами России,
Азербайджана, Армении, Болгарии, Белоруссии, Казахстана,
Узбекистана и Чехии на базе Vědecko vydavatelské centrum
«Sociosféra-CZ» в 2017 году 130

Информация о научных журналах 132

Издательские услуги НИЦ «Социосфера» – Vědecko vydavatelské
centrum «Sociosféra-CZ» 133

Publishing service of the science publishing center «Sociosphere» –
Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ» 134



9. Faryno E. Поэтика Пастернака. («Путевые записки» – «Охранная грамота»). Wiener Slawistischer Almanach. Sonderband 22. Literarische Reihe, Herausgegeben von Aage A. Hansen-Löve. - Wien, 1989. - 316 p.

ЭССЕДА ҚАҲРАМОН ПОРТРЕТИ

Ш. Ахмедова
Г. Зойирова

Ф.Ф. доктори,
магистрант,
Бухоро давлат университети
«Ўзбек адабиёти»,
Тошкент, Ўзбекистон

Summary. This article is dedicated to the portrait of the hero in the essay genre. We consider the portraits of the hero in an essay in the works of Uzbek writers. In the years of independence in the works of writers - the main question of this article.

Keywords: hero; essay genre.

Эссе тараққиёти адабий танқиднинг янги камолот палласига кира бошлаганидан, илмий ва эстетик тафаккур синтезининг янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради. Эсседа санъаткорнинг ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараёнига алоқадор фикрлар эркин ифодаланади.

XVI асрда янги тафаккур кўринишини адабий жараёнга олиб кирган фаранг мутафаккири М. Монтень “Эсселар” асарида жанрнинг назарий асосларини яратди. Муаллиф асарнинг “Китобхонга” деб номланган муқаддима қисмида шундай эътироф этади: “Китобхон, бу – самимий асар. Мен бу асарни энг яқин жигарбандларимга атаб ёзганман. Қандайдир шон-шухрат орттириш учун эмас, китоб орқали маънавий қиёфам, феъл – атворим, сажиямни қайта тиклаб эслашларини истайман....бу китобнинг мазмуни – мен ўзим...” [1]. Ҳақиқатан ҳам ёзувчи эссесиде, энг аввало, унинг “мен”и акс этади. Эсседа ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари адабийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларнинг кўркем синтезини ташкил этади. Бу жиҳатдан, айниқса, Миртемир, П. Қодиров, А. Мухтор, Ш. Холмирзаев каби ёзувчилар эсселарини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бадиий асарларда ижодкор услуби қанчалик акс этса, эсседа ҳам ёзувчи-танқидчининг бетакрор қиёфаси аниқ акс этиб туради. Мунаққид асарида илмий мантиқ аниқ сезилиб туради. Ёзувчи эссесиде адабий танқиднинг санъатлик хусусияти ярқ этиб кўзга ташланади. Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигидаги эссе тараққиёти унинг турли шакллари мавжудлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларига келиб, эссеистиканинг ривожланиши бирмунча тезлашди. Ёзувчи ва танқидчилар бевосита адабий жараён билан

боғлиқликда унинг турли кўринишларини яратишга эътибор қарата бошладилар. Бу жанр, айниқса, Ш. Холмирзаев ижодида муносиб ўрин эгаллаб, юқори босқичга кўтарилди. Умуман, Ш. Холмирзаевнинг бу даврда ҳам ёзувчи, ҳам мунаққид, ҳам оташин публицист, адабиёт жонкуяри сифатида ижодкорлар орасида фаол бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Ш. Холмирзаев академик М. Қўшжоновга бағишланган эссесида ўқувчи кўз олдида олимнинг инсоний ва қисман ижодий қиёфаси, тўлиқ ва бир бутун образи яққол намоён бўлади.

Адиб бошиданоқ ўз олдида аниқ мақсад қўяди. Асардаги эссега хос – чегара билмаслик, эркин фикр юритиш каби хусусият унинг сарлавҳасиданоқ кўзга ташланади. Эсседа бош қаҳрамон М. Қўшжонов ва ёзувчининг ўзидир. Шу билан бирга у адибнинг ҳаётдаги бошқа устозлари: Шукур Бурҳондан тортиб, Н. Фозилов, Т. Жалолов, мактабдаги адабиёт ўқитувчиси, отаси, онаси, қалбига яқин кишилар ҳақидаги хотираларга ўралган самимий мулоҳазалар, энг муҳими, устозларга улкан эҳтиромдан битилган. Эссега хос фазилатлардан бири ҳаётдаги кишилар билан ёзувчи орасида «кечган – кечирмишлар»нинг табиий тасвири бўлиб, у асарга жозиба бахш этиб туради. Асарнинг композицион тузилиши ҳам ўзгача: 8 қисм ва улар ҳам ўз сарлавҳаларига эга кичик-кичик фасллардан иборат.

Адиб лирик чекиниш, ўз-ўзига мурожаат, ретроспектив тасвир, қаҳрамонлар нутқи орқали портрет чизиқларини чизиш каби турли-туман усулларни моҳирлик билан қўллайди, ўй-хаёллари орқали устозга эҳтиром кўрсатиш йўлидан боради, булар бирлашиб устозининг мукамал қиёфасини яратишга хизмат қилади. Ҳаётда тирик бўлган устоз ҳақидаги тирик хотиралар юракдан чиққани учун табиий кўринади. Эссенинг бошидаёқ М. Қўшжонов портретининг муҳим чизиқлари чизилади. Асарни ўқиган сари олимнинг қиёфаси кўз олдингизда юксалаверади. Шогирднинг Устозга муносабати, унга ҳавас қилиши, ҳар бир гапига, қилиғига эътибор бериши каби эпизодлар тасвири жуда тиниқ ва табиий чиққан. Ш. Холмирзаев устози ҳаётини тасвирлар экан, унинг асарлари, адабиётга муносабати, ҳақиқий ёзувчилар ижодини қадрлай олиши, истеъдодли ёшларга эътиборини диққатидан қочирмайди. Энг аввало, шогирдни устозининг шахсияти, қандай одамлиги қизиқтиради. Шунинг учун ҳамма жойда, ҳатто унинг уйига борганда ҳам, овга чиққанда ҳам устозини синчиклаб кузатишдан чарчамайди. Кузатишлари асосида М. Қўшжоновнинг ташқи портретини ҳам чизади. Устозу шогирд қаерда, қай вазиятда бўлмасинлар ҳамиша ижод ҳақида, адабиёт ҳақида суҳбатлашишади.

Ш. Холмирзаев услубига хос бир ажиб хусусият унинг эссесида ёрқин кўринади: юқорида айтганимиздек асарда бош қаҳрамон М. Қўшжонов бўлса-да, баъзи қисмларда адибнинг ўз ҳаёти, севгиси ёки Шукур Бурҳон билан боғлиқ воқеалар, дўстлари билан кечирмишларини

хам завқ билан ўқилади. Айниқса, Саида билан боғлиқ лавҳалар бадий асардагидек ўқувчини ўзига тортадиган даражада жозибали чиққан.

Ш. Холмирзаев бир адабий суҳбатида эссе жанрининг ёзувчига беҳад кенг эркинликлар бериши ҳақида гапирган эди [2]. Адиб тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳақида фикр юритар экан, ўз кўнглида туғилган ҳис-ҳаяжони, шахсий мулоҳазаларини бемалол баён этиш йўлидан боради. Эссенинг китобхонни қизиқтирувчи яна бир томони бор: унда нафақат устоз портрети яратилади, балки ёзувчи ўзининг автопортретини чиза боради. Баъзи фаслларда ёзувчининг шоир табиат, эркинликка интилувчи феъли очила боради. Бу саҳифаларни ўқиб, кўз олдингизда севимли адибнинг қалбингизга яқин асарлари каби самимий қиёфаси гавдаланади. Бу орқали китобхон ижодкорга янада яқин бўлиб қолади. Асарнинг шу қисмида чегара билмас самимий тасвирлар, эссега хос эркинлик, илмий ва бадий тафаккурнинг уйғунлашуви, муаллифнинг “мен”и айниқса, бўртиб кўринади. Бироқ баъзида адибнинг хаёллари ҳаддан зиёд чўзилиб кетади. Эсседа адиб дўстлари – ижодкорларнинг характериға хос чизгилар берадики, бу китобхон билан ёзувчи, мунаққидлар орасидаги масофани яқинлаштиришга ёрдам беради. Асар қаҳрамонларининг деярли барчаси адибга таниш, юрагига яқин одамлар, шунинг учун бўлса керак, унинг самимий хотираларида бу кишиларнинг бутун ҳаёти кўз олдимизда яққол гавдаланади.

Ш. Холмирзаев асарни эссе-қисса деб белгилайди. Назаримизда, бу асар жанрини эссе-роман деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки образлар олами, воқеа-ҳодисаларнинг кенг макон ва замонда тасвирланиши, эссе-романга хос илмий ва эстетик тафаккурнинг уйғунлиги асар жанрини шундай белгилаш имконини беради. Асарда эссега хос синтетиклик – бадий, илмий, адабий-танқидий, ижтимоий-фалсафий қарашлар омукталиги устувор, фикр эркинлиги эса эссе-романга ўзгача жозоба бахш этган. «Бу кишим-устоз, Мен шогирд» эссе-романининг аҳамияти устозларни кадрлашга ўргатишида, ҳаётга тийран кўз билан қарашга, муҳими, адабиётни чин дилдан ҳис этишга кўмак беришида кўринади. Шунинг учун бу асарни бемалол жаҳон адабиётидаги замонавий эсселар қаторига қўйиш мумкин.

Библиографик рўйхат

1. Монтень М. Опыты. 3 книг. М-Л: Академия на СССР. 1958. Книга.1.– 189 с.
2. Холмирзаев Ш. Эссе-эркин жанр // ЎзАС, 2003, 18.04. - № 16.

